



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (13.608)

Баҳоси эркин нарҳда

## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, олий ўқув юртлири ректорлари, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йил 30 январь куни мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмақда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислоҳ Каримов мақбара мажмуаси, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислоҳ Каримовнинг гоят сирқира ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан айни шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислоҳ Каримов номидagi илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислоҳ Каримов хайрия жамоат фонди

томонидан ҳам бир қатор тadbирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тadbирлар бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмақда.

Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга таранном этишдек улуг мақсадга бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун ҳам бу тарихий санани ҳар томонлама юксак даражада ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва маънавиятимизни намойён этиши, айнан шунга қараб дунё жамоатчилиги бизга баҳо беришига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бундай қутлуг саналар ўз тарихимиз, миллий ўзлигимизни англашга, халқимиз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлигини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улуг инсонларнинг ибратли фаолиятига ҳар томонлама муносиб этиб, уларнинг эзгу фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Йиғилишда Бош вазир, юбилей ташкилий қўмитасининг раиси А.Арипов, Президентнинг Давлат

маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов, Ислоҳ Каримов номидagi илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиёев, Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М.Ерниязовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тadbирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юбилей кунларида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, нуронийлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган учрашувларни мазмули ва юқори савияда, таъсирчан руҳда, аниқ ҳаётий мисоллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча маросим ва тadbирларни Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматларига ҳар томонлама муносиб ҳолда ўтказиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир, деб таъкидлади пировадига давлатимиз раҳбари.

ЎЗА

## ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва ўзининг раислигида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, йирик инфратузилма объектлари ва корхоналар барпо этиш жараёнига чет эл инвестициялари изчил жалб қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли иқтисодий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш баҳариб келинганлигини танқид остига олди.

Илгари ушбу соҳа раҳбарлари юқори рақамлар ортдан қувниб, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кўрсаткичларни ошириб кўрсатишни касб қилиб олган эди. Бунинг оқибатида ҳокимликлар ва тармоқ раҳбарлари ушбу "юкни" баҳариш учун молиялаштириш манбаси кафолатланмаган ва ташаббусқори аниқ бўлмаган, ҳудудлар ва тармоқлар ривожланишига мос келмайдиган самарасиз лойиҳаларни Инвестиция дастурларига киритишга мажбур бўлар эди.

Масалан, 2012-2017 йиллар давомида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3,3 миллиард АКШ долларига бўлган 14 та лойиҳа инвестиция дастурларига киритилган. Кейинчалик уларнинг барчаси мақсадга мувофиқ эмас деб топилган ва ҳукумат қарорлари билан тўхтатилган. Энг ачинарлиси, мазкур лойиҳалар ҳужжатларини тайёрлашга 185 миллион АКШ долларига сарфланган.

Инвестиция дастурларини шакллантириш ва лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш борасида ҳам қатор муаммолар бор. Бу жараён 15 йил аввал қабул қилинган қарорларда белгиланган мезон ва тартиблар асосида амалга ошириб келинган. Жумладан, лойиҳанинг техник иқтисодий асослари, бизнес режаси ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг ваколатли органлар билан такрор ва такрор келишилиши оқибатида унинг экспертизаси белгиланган 15 кун ўрнига 6 ойгача чўзилиш ҳолатлари кўп мартаба йўл қўйилган. Бу инвестиция лойиҳасининг қимматлашиши ва рентабеллиги пасайишига олиб келган.

Маълумки, инвестиция дастурларига иқтисодий асосланган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлган лойиҳалар киритилиши зарур. Лекин илгари бундай ҳужжатлар лойиҳа инвестиция дастурига киритилгандан сўнг тайёрлаб келинган. Оқибатда лойиҳанинг дастлабки нархи ва тасдиқланган қиймати ўртасида баъзи ҳолларда ҳатто

80 фоизгача тафовут юзага келган. Бу бюджет маблағлари сарфи асоссиз равишда охиб кетишига сабаб бўлган.

Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани, уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарарлар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банklar балансига бериш амалиётига чек қўйилди.

Юзаси ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар фойдаланишга қабул қилингандан кейин ҳам ўзини оқлаганга — қомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли махсуслаш ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган.

Яна бир камчилик: ўз вақтида баҳариланган ёки ижроси чала бўлган учун айрим лойиҳалар йилдан йилга, дастурдан дастурга ўтиб келган. Масалан, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказини лаборатория билан жиҳозлаш лойиҳаси дастлаб 2015 йилда, кейинчалик 2016 ва 2017 йилларда инвестиция дастурларига такроран киритилган.

Президентимизнинг 2017 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибин жорий этиш тўғрисида"ги қарори юқоридаги этиш таҳлиллар натижасида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда тармоқ ва ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни ўз босқичида амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Биринчи босқичда Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Ушбу Концепция тармоқ, ҳудудий ва мақсадли иқтисодий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини амалга ошириш бўйича стратегик вазифаларни ўз ичига олган ҳужжат бўлади.

Иккинчи босқичда Ривожланиш концепциясини асосида мақсад ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган 3 йиллик, яъни 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳалар портфели шакллантирилади. Ушбу лойиҳалар Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари билан келишибили, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида экспертизадан ўтказилади. Ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича батафсил календарь режаси ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда тасдиқланган 3 йиллик лойиҳалар портфели асосида Ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади.

Бундан бунд Ривожланиш давлат дастурларига фақат дастлабки техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган лойиҳалар киритилади, дея алоҳида таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг жорий йил 8 январьдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат харидларини амалга ошириш, давлат дастури доирасидаги ҳужжатларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича комплекс экспертизанинг самарали тизимини ташкил қилиш тўғрисида"ги Қарори соҳага оид яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузурида Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази ташкил этилди. Эндиликда лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва импорт шартномалари ушбу марказда экспертизадан ўтказилади.

Янги тартиб бўйича ишлар давом этаётгани боис 2018 йилги иқтисодий-иқтисодий ривожланиш лойиҳалари, истисно тариқасида, Президент томонидан тасдиқланадиган Инвестиция лойиҳалари рўйхати асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари тажриба тариқасида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида лойиҳаларни энергиятежамкор, замонавий қурилиш ва енгил конструкцияли материаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш орқали уларнинг қийматини 20-30 фоизга арзонлаштириш амалиётини жорий этишни тақдир қилди.

Иқтисод қилинган маблағлар тўлағича мазкур лойиҳа жойлашадиган шаҳар ёки туман иқтисодиётида қолади ҳамда ушбу ҳудуднинг иқтисодий ва коммунал соҳа масалаларини ҳал этишга йўналтирилади, деди Президентимиз.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий, молиявий ва технологик асосланган ҳолда ишлаб чиқишга лойиҳа институтларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалдаги лойиҳа ишларини баҳариланган қондалар ўтган асрнинг 60-70-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, замонавий талабларга мутлақо жавоб берайди. Шу пайтгача хорижий консултантларни жалб этган ҳолда бирорта ҳам янги лойиҳа институти яратилмаган. Ҳудудларда бугунги талабларга жавоб берадиган лойиҳалаштириш ташкилотлари йўқ.

Хозирги пайтда лойиҳалаштириш институтларининг асосий мақсади лойиҳа қийматини баланд қилиб кўрсатиб, ундан тегишли юқори фойдали олиш бўлиб

қолган. Бугун буларнинг барчасига барҳам берадиган вақт келди, деди Шавкат Мирзиёев. "ЎзИнжиниринг" лойиҳалаштириш ташкилоти иқтисодиётнинг базавий тармоқларини лойиҳалаштиргани каби, қолган ҳўхалик бирлашмаларида ҳам худди шундай мутасадди юқори малакали мутахассисларга эга бўлган иқтисодлашган лойиҳа институтлари бўлиши керак.

Маълумки, лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига тўланадиган ойлик харажатлари лойиҳанинг умумий қийматидан олинади. Яъни ушбу гуруҳлар муайян лойиҳани қанчалик кеч ишга туширса, шунча кўп манфаат кўради. Бу эса, ўз навбатида, лойиҳа нархининг сунъий равишда ошишига олиб келади.

Йиғилишда лойиҳалаштириш ишларини такомиллаштириш, янги лойиҳа институтларини ташкил этиш, қурилиш-лоиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертиза қилишнинг мутлақо янги механизминини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари қарз, кредит ва грант маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идораларга кенгаш томонидан ташкил этиларди. Бу ваколатли давлат органларининг масъулияти ва ташаббускорлигини пасайтириб, ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар ва харажатларга олиб келарди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликни самарадорлигини янада ошириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарорида давлат бошқаруши органларининг етарли халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Барча даражадаги ҳокимликлар ушбу давлат органлари билан биргаликда иш олиб боради.

Бундан кейин Инвестиция дастури каби Ривожланиш давлат дастурига ҳам пухта ишланмаган, молиявий манбаси ва эгаси аниқ бўлмаган, фақатгина битимларда қилиб кетадиган лойиҳаларни киритиш амалиёти такрорланса, тегишли раҳбарлар қонун олдида жавоб беради.

Йиғилишда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилна фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш, солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш ва бошқа масалалар муҳома қилинди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, реал бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида комплекс чора-тadbирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январьдаги "Мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тadbирлари тўғрисида"ги ПФ-5303-сонли Фармониға мувофиқ мамлакатга озик-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божжона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим махсуслот турлари импортининг монополаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатда, бу асосда асоссиз фойда кўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги қўламан чора-тadbирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, айрим махсуслот ва хом ашё турлари тақчиллигининг юзага келишига, улар нархининг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайишига олиб келмоқда. Хусусан:

**Биринчидан**, айрим махсуслотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эсамлиги зарур захиранини шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаётгани, бу эса спекулятив операцияларга, охир-оқибатда, талаб юқори махсуслот ва хом ашёлар нархининг ўсишига олиб келмоқда;

**Иккинчидан**, юқори ликвидли махсуслотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратмоқда;

**Учинчидан**, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш фаолиятининг лицензиялашнинг мураккаб тартиб-таомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда;

**Тўртинчидан**, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган махсуслотлар ва хом ашё ресурслари турларини импорт қилишда божжона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратмоқда;

**Бешинчидан**, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш мuddатларининг чўзилиши тайёр махсуслот ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмоқда. Иқтисодиёт турмоқларини талаб юқори бўлган махсуслот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги "Ўқилги-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли махсуслотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини тақомиллаштириш, суистеъмолчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредитторлик қарзларини қаматтириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги ПҚ-3386-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб монополия корхоналар томонидан 27 номдаги юқори ликвидли махсуслотларни фақат биржа савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: а) қуйидагилар биржа савдоларида реализация қилинади: экстракцион бензин, мис катоди, мис катанаси, иккиламчи алюминий, металл рух, чорва озукаси учун бугдой — фақат туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳулосасига мувофиқ уларни кейинчалик қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарга;

б) қуйидагилар, истисно тариқасида, белгиланган нархлар асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади: автомобиль бензини — бюджет ташкилотлари ва автотомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларига;

дизель ёнилғиси — бюджет ташкилотлари, давлат буюртмаси бўйича пахта хом ашёси ва галла етштириб беришчи фермер ҳўжалликлари, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошшаҳартрансизмат" АЖ, маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш бўйича давлат корхоналарига; кўмир — бюджет ташкилотлари, аҳоли ва "Ўзбекэнерго" АЖ корхоналарига;

аҳолининг иқтисодий эҳтиёжманд ҳажмларига мўлжалланган пахта ёғи — 10 фоиздан ортиқ бўлмаган микродордаги чакана устамани ўз ичига олган белгиланган нарх бўйича кейинчалик тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган улгуржи ва чакана корхоналарга, давлат стратегик захирасини шакллантириш учун — белгиланган нарх бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бозорчиш қўмитасига;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

в) пахта толаси уни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдолари орқали, "Давлат белгиси" ДИЧБ, "Ўзпахтасаноат" АЖ ва Ўзбекистон кўрлар жамаи- яти корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларига технологик эҳтиёж ва мавжуд ишлаб чиқариш қуввати доирасида тўғридан-тўғри шартнома- лар бўйича реализация қилинади; г) пахта чигити шелухаси ва шроти амалдаги биржа устамалари ва ҳажмларни тақсимлаш тартиби сақлан- ган ҳолда биржа савдоларида реализация қилинади. 3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзе- бекстон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бо- шқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идо- ралар билан биргаликда икки ой мuddатда юқори лик- видли маҳсулот турларини реализация қилиш бўйича товар-хом ашё биржалари фаолиятининг ўрганилиши- ни, нархлар асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, иштирок- чиларнинг биржа савдоларида эркин қатнашишини таъ- минлаш, биржа савдоларининг электрон тизимларидан рухсатсиз фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш бўйи- ча тақлифлар тайёрлашни ташкил этсин. 4. Нормда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицен- зиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазир- лар Маҳкамасининг комиссияси тугатилиб, нормда фой- дали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкала- ридан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш вако- лати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва ми- нерал ресурслар қўмитасига ўтказилсин. Белгилаб қўйилсинки: нурда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицен- зия олишда мурожат қилувчининг устав фондига қўйил- ган талаб буюртма тақдим этилган вақтда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорини ташкил этади; нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмаларини бериш ер қазридан фойдаланувчилар томонидан ишчи лойиҳа тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун давомда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва ми- нерал ресурслар қўмитаси бир ой мuddатда нурда фой- дали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкала- ридан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беришининг янгиланган тартиби ишлаб чиқишни ва ўрнатилган тар- тибда киритилишини таъминласин. 5. Маҳаллий корхоналар томонидан Ўзбекистон Рес- публикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказ- иб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норе- зидентлар билан хорижий валютада шартномалар ту- зиш тартиби бекор қилинсин. 6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва ми-

нерал ресурслар қўмитаси, "Саноатгеоконтехназорат" дав- лат инспекцияси, Бош прокуратура, "Ўзқурилишматери- аллари" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен- гаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда нурда фойдали қазилмалар конларидан фойдаланилишини танқидий ўргансин ҳамда қуйидаги- ларни ҳам назарда тутган ҳолда уларни ўзлаштириш са- марадорлигини ошириш бўйича тақлифлар киритсин: ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва муқобил энергия манбаларини жорий этиш орқали, шу жумла- дан нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қури- лиш материаллари ишлаб чиқаришининг энергия сими- ни камайтириш йўли билан харажатларни оптимал- лаштириш; муқобил қўйм-шағал конларини тез суръатларда қазиб ва ўзлаштириш; нурда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкалари ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилиш. 7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сонли қарори иловасининг 1-бандида кўрсатилган табиий газ истеъмолчи ташкилотларга нисбатан табиий газни реализация қилишда нарх белгилашнинг ало- ҳида тартиби таъбиқ этилмайдиган истемольчилар учун белгиланган амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффи- циент қўлланилган ҳолда тўлаш тартиби 2018 йил 1 ап- релга қадар амалда бўлади. "Ўздавэнефтегазинспекция" давлат инспекциялари, "Энергия тежаш миллий компа- нияси" АЖ "Ўзстандарт" агентлиги ва Ўзбекистон Рес- публикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 15 февралга қадар мuddатда корхоналарга улар томо- нидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуна- ларнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичла- рига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилгининг муқобил тур- ларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тар- тибининг ишлаб чиқиши ва амалга киритилишини таъминласин. 8. "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, Ўзбекистон Респу- бликаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир- лар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2-иловага муво- фиқ қурилиш материаллари асосий турларини ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши- ни таъминлаш чораларини кўрсин. 9. 2019 йил 1 январга қадар мuddатда импорт қилиш- да божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз берилди- ган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда талаб юқори бўлган, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳаж- мда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш дастурини тас- диқласин. 10. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларнинг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзе-

бекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш мар- казида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчи- лардан мустақил сотиб олиш ҳуқуқи берилсин. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ёғоч-тахта мате- риаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлашти- руви учун йиғимлар бундан мустасно) ва янгиланган на- мунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш доирасида уларни бош пудрат ташкилотларига реали- зация қилишда қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод қилинсин. Белгилаб қўйилсинки: "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ томонидан ёғоч- тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни бош пудрат ташкилотларига тўғридан-тўғри шартнома- лар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади; "Ўзсаноатэкспорт" АЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда бе- рилган божхона тўловларини ва уларни "Қишлоқ қури- лиш инвест" ИК МЧЖга реализация қилишда қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод қилиш тарзидаги им- тиёзлар ушбу қарор қабул қилинган кунга қадар имзо- ланган импорт контрактларига нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ билан биргаликда ўн кун мuddатда ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир лист- лар импортини молиялаштириш манбалари ва меха- низмлари бўйича тақлифлар киритсин. 11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологияла- ри ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфа- атдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бош- қарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, реал вақт режимида "қурилиш материалла- рини қазиб олиш - ташиш - сақлаш - қайта ишлаш - ишлаб чиқариш - реализация қилиш" занжири бўйича жараёни кузатиб бориш имконини берувчи Идорала- раро ҳамкорликнинг ягона интеграциялашган ахборот тизими жорий этилишини таъминласин. 12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурсл- лар қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан бир- галикда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка- масига тақлифлар киритсин. 13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзе- бекстон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 17 январь

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига ташрифи чоғида Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Рақамли офис", фуқаролар мурожатларини кўриб чиқиш, давлат хизматларини тақдим этиш бўйича тизимларни таъбиқ қилиш ҳамда пойтахтимизда Сеул кўчасининг қурилиши билан яқиндан танишиш учун жанубий корейлик мутахассисларни Ўзбекистонга тақлиф этган эди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТДА "ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ"НИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Эришилган келишувларни ҳаётга таъбиқ қилиш мақсадида 17 январь кунин Сеул мэриясининг халқаро алоқалар бўлими вахили Жонг Мун Банк бошчилигидаги делегация Тошкентга келди. Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов билан учрашув чоғида меҳмонлар- га мамлакатимизда давлат ва жамяят ҳаётининг турли жаҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Корея Республикасининг ахборот-коммуникация технологияларини давлат секторига қўллашдаги тажрибаси асосида мамлакатимизда АКТ саноати стратегиялари ва технология инфратузилмаларини яратиш ишлари жадал тараққий этаётгани қайд этилди. 2017 йил 3 июль кунин Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрганида, Сеул томони Ўзбекистон билан тизимли ва узок мuddатли ҳамкорлик қилиш тарафдори экани- нини таъкидлаб, Тошкент шаҳрини 2030 йилгача ривожлантириш режа- ларини юқори баҳолади. Бу борадаги ишларда Жанубий Корея шаҳар- соэлик, транспорт, ахборот технологиялари, сервис ва бошқа соҳалар- даги тажрибаси, ноу-хаулари билан қатнашиш истигани билдирган эди. Таъдбирда жанубий корейлик мутахассислар мамлакатимизда замона- вий технологиялар асосида ишларни бошқариш, мурожатлар билан ишлаш тизимини ривожлантиришга доир самарали ёндашувлар бўйича ўз тақриблари билан ўртоқлашди. - Замонавий шаҳарсозлик илгор технологиялар, бошқарува юқори самарали ахборот коммуникацияларини жорий этиш демакдир, - дейди Жонг Мун Банк. - Бу борада Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган салмоқли ишлар билан танишиш, Жумладан, автоматлаштирилган ах- борот тизимининг мавжудлиги идора қилишдаги қатор кулайликларни яратиши. Ташрифимиздан мақсад - Тошкент шаҳар ҳокимлиги фаоли- тига АКТни кенг жорий қилиш орқали давлат хизматларини тақдим этиш имкониятларини кенгайтиришга қўмақлашайдан иборат. Сеул шаҳри делегацияси Тошкент шаҳар ҳокимлигида ахборот-ком- муникация технологияларини тақомиллаштириш йўналишида амалга оши- рилаётган ишлар, туманлардаги секторлар фаолиятини мувофиқлашти- риш бўйича инновация тизим билан яқиндан танишиш. Жанубий Корея пойтахтининг бу борадаги ютуқларига бағишланган тақдимот ўтказилди. Урганиш ва тақлифлар натижасига кўра, жанубий корейлик мутахас- сислар Тошкент шаҳар ҳокими томонидан бошқариладиган "Вазиятлар маркази"ни ташкил этиш, интерактив давлат хизматларини янада ри- вожлантириш, фуқаролар мурожатларини кўриб чиқиш бўйича тизимни тақомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқди. Улугбек ШОНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Жорий йилнинг 15, 16, 17, 18-январь кунлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ янги сайланган халқ депутатлари Бектемир, Мирзо Улугбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой ва Яшнобод туман Кенгашларининг илк сессиялари бўлиб ўтди.

Сессия ишида янги сайланган депутатлар, туман ҳокимлари ва унинг ўринбосарлари, бошқарма бошлик- лари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар- лари иштирок этишди. Сессияларда дастлаб Тошкент шаҳар халқ депутатла- ри туман Кенгашларига сайланган депутатларнинг вако- латлари эътироф этилди. Сайланган депутатларга туман ҳокими ва туман сайлов комиссияси раислари томонидан гувоҳнома ва кўкрак нишонлари топширилди. Сўнг туман Кенгашларига янги сайланган депутатлар томонидан партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғриси- даги мурожатлар кўриб чиқилиб, Тадбиркорлар ва иш- билармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал- демократ- тик партиясидан сайланган депутатларнинг партия гу- руҳи, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сай- ланган депутатларнинг партия гуруҳи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг партия гуруҳи, "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган депутатларнинг партия гуруҳи рўйхатга олин- ди. Ушбу партия гуруҳларининг раҳбарлари сессия иш- тирокчиларига таништирилди. Шунингдек, сессияда туман Кенгашининг Регламенти бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Қабул қилинган ушбу қарорда халқ депутатлари туман Кенгаши ўз фао- лиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Халқ депу- татлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республика- си қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг регламентига му- вофиқ амалга оширади. Сессияда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кен- гаши ўз регламенти асосида туман ҳудуди учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларининг амалга оширилишини, Ўзбекистон Республикаси Консти- туцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзе- бекстон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарор- лари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонла- ри, Қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Респу- бликаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, халқ депутатла- ри Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлари ва Тошкент ша- ҳар ҳокими қарорлари ижро этилишини, шунингдек, дав- лат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаро- ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ало-

қани, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамятининг бошқа институтлари билан ижтимоий ше- рикликни, аҳолини ҳудудни бошқаришга жалб этишни таъминлаш лозимлиги таъкидланди. Туман Кенгашлари сессияларида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 24-моддаларига муво- фиқ халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлари ора- сидан туман Кенгаши ваколатига тааллуқли масалаларни олдидан кўриб чиқиш ва тайёрлаш, туман Кенгаши қарорларини ва бошқа қонун ҳужжатларини амалга оши- ришга қўмақлашиш, ўз ваколатлари доирасида назорат қилиб бориш вазифаларини бажариш учун туман Кенга- ши қошида доимий комиссиялар тузиш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала муҳокамаси жараёнида Маҳаллий бюд- жетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохот- ларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожланти- риш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавф- сизлигини таъминлаш, Ижтимоий-маданий ривожланиш, Коммунал хўжалик ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Саноат, транспорт, қури- лиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича жами олтига доимий комиссия тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламентига асосан туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича ко- миссиялари тузилиди. Сессия кун тартиби бўйича 2018 йил - Фаол тадбиркор- лик, инновация қарорлари ва технологияларни қўллаб-қувват- лаш йили Давлат дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари биринчи сессияларида кун тартиби бўйича қўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Бўлиб ўтган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларининг биринчи сессиялари ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбо- сарлари, қўмита раислари ҳамда сенат қўмиталарида до- имий асосда ишловчи сенаторлар иштирок этишди. (Ўз мухбиримиз)

XXI сағоси аср Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли Қарши шаҳри- даги ҳарбий қисм ва муассасалар- да мuddатли ҳарбий хизматни ўта- ётган аскарлар тест синовларини топширди. • Навоий вилояти божхона бош- қармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида божхона соҳасида яратилаётган имтиёз ва қулайлик- лар, тақдим этилаётган энгиллик- лар ҳақида тадбиркорлик субъек- тларини кенг хабардор қилиш мақ- садида амалий семинар ўтказил- ди. Унда, хусусан, мутахассислар томонидан жорий йилнинг 1 янва- ридан экспорт-импорт билан шу- гулланувчи корхоналар учун бож- хона ҳамда солиқ соҳасида яра- тилган энгилликлар ҳақида аτροφ- лича маълумот берилди. • Пахтаобод туманидаги Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йи- гини ҳудудида "Нафосат" тикув цехи очилди. Бу ерда 40 нафар имконияти чекланган, ногирон хо- тин-қизлар ишга жалб этилди. Ма- ҳалла ҳудудида фойдаланилмай бўш турган бино тадбиркор Ином- жон Даминов томонидан таъмир- ланиб, қайта жиҳозланди. "Ўзпах- тасаноат" акциядорлик жамяти "Андижонпахтасаноат ҳудудий фи- лиали" масъулияти чекланган жа- мияти ҳамда пахта тозалаш кор- хоналари томонидан 40 замонавий тикув машинаси олиб берилди. • Фарғона шаҳридаги Ислам Ка- римов номидаги Театр-концерт са- ройида "Азизим табассум қил ёхуд офтобга яқин зотлар" деб номлан- ган янги спектакль премьераси бўлиб ўтди. Ушбу сахна асариди аёл учун энг олий бахт - файзли оила бекаси, комил фарзандлар онаси бўлиш экани ўзига хос тар- зда ифода қилинган.

**Чилонзор туманида жойлашган ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.**

## ВАТАН ҲИМОЯСИ ОЛИЙ БУРЧ

Республика Маънавият ва маърифат маркази Чилонзор туман бўлини ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда туман ҳокимлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши, "Нуроний" жамғармаси, Тошкент давлат иқтисодий университетидан вакиллар ҳамда 201-мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Чилонзор тумани ҳокими Даврон Ҳидоятлов ва бошқалар бугунги тинч ва осуда кунаримиз, мамлакатимиздаги ривожланиш ва юксалишлар, бунёдкорлик ишлари, оилаларимизнинг фаровон турмушида Ватанимизнинг ҳимоячилари бўлган ҳарбийларимизнинг беқиёс ҳиссалари борлигини таъкидлаб ўтди.

Минг шукр қилишимиз керак, ҳар тонг уйғонганимизда қурол овози ёки қандайдир портлашларни эмас, фарзандларимиз, набираларимизнинг шодон кулгусини

эшитамиз, — дейди Чилонзор туман "Нуроний" жамғармаси раиси Обиджон Аҳмедов. — Албатта, бунда Ватанимизни ёмон кўзлардан, гараз ниятли кимсалардан асрашда совуқни-совуқ, иссиқни-иссиқ демай, тунни тонга улаб хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг катта ҳиссаси бор. Бунинг учун уларни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Ҳар йили аънавий тарзда туман ҳокимлиги ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда туманимиздаги ҳарбий қисмларда мана шундай тадбирларни ўтказиб келамиз.

Тадбир доирасида туман ҳокимлиги томонидан ҳарбий хизматчиларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди. Байрам дастурхони ёзилиб, миллий таъминоти ош тортилди. 201-мактаб ўқувчилари томонидан ўқилган шеърлар, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари байрамга янада кўтаринкилик улашди.

**Абдували СОДИҚОВ**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган.**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг "Темурбеклар мактаби"да ўтказилган "Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остидаги тадбирда бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яшнобод Ўқув СТК" унитар корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сўз олганлар мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак

самаралар бераётгани, она Ватан ҳимоясини шон-шараф деб билаётган ёшлар сафи кенгаётганини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга Ватан ҳимоячилари куни билан шахсий таркиб табрикланди. Ҳарбийлар ва ўқувчиларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Тадбир давомида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яшнобод Ўқув СТК" унитар корхонасининг махсус совғалари тақдим этилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## Мулоҳаза

### КИТОБ — ҲАЁТ МАЗМУНИ

**Бугун ҳар бир инсон ўз дунёқараши, тафаккури, фикрлаш қобилияти, онги ва илмини ошириш мақсадида китобни севиши, уни кундалик ҳаётининг зарур бир бўлаги, моддий таъминоти даражасига кўтариши кераклигини аллақачон англаб етган, деб ўйлаймиз.**



Жамият ҳаётида қадрият ва аънаваларни қарор топтиришга, халқимиз, айниқса, ёш авлодни маънавий салоҳиятли, она Ватани ва халқига муҳаббатли, садоқат туйғуси билан яшайдиган қилиб тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори халқимиз ҳаётида кўп йиллардан бери орзиқиб кутган долзарб, замонавий талабга тўлиқ жавоб берадиган дастуруламал бўлди десак адашмаймиз. Бу қарор халқимиз томонидан жуда мамнуният билан қабул қилинди ва уни амалда қўллаш нафақат китобсеварларнинг, балки ҳамма-ҳамманинг кундалик иш тартибининг бир бўлаги ҳисобланмоғи зарур.

Президентимиз қароридан келиб чиққан ҳолда, китоб савдоси билан шуғулланадиган инсонларнинг янада фаолроқ бўлиши, китоб сотиш шохобчаларини кенгайтириш, ўзбек ва дунё адабиётини харидорларнинг ўзлари кўриб харид қилиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада барча китобсеварларни хушнуд этиб келатган "Китоб олами" мажмуаси яққол мисол бўла олади. Негаки ушбу "Китоб олами" мажмуасига кирсангиз бу ердаги орасталик, тартиб-қоидалардан кўзингиз қувонади ва албатта ўзингиз учун ҳам, фарзандларингиз, набираларингиз учун ҳам китоблар харид қиласиз, бунга сиз имкон ҳам, хоҳиш ҳам топасиз.

Шу мақолани ёзишдан асосий мақсад эса "Китоб олами" мажмуасига ўхшаш ёки худди шундай китоб савдоси билан шуғулланадиган китоб дўконлари қурилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Чунки бизнинг яшаб турган ҳудудимиз Мирзо Улуғбек туманининг ТТЗ-2 мавзесига, яъни Пилла-1, Пилла-2 кўчалари, "ТТЗ-1", "ТТЗ-2", "Тракторсозлар", "Юзработ", Азамат, Миновар қори маҳаллалари аҳолиси ва бизга қўшни бўлган маҳаллалар "Дўрмон", "Юқори юз", "Ғишт заводи" ва бошқа ҳудудлар аҳолиси учун ҳам бу жуда зарур. Яъни, агар ушбу ҳудудлар оралиғида маънавиятимиз бешиги бўлмиш — китоблар олами дўконлари қурилиши хурматли Президентимизнинг қароридан айрилгандек, ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконларни ташкил этиш — бу ҳудуд

аҳолисининг асл орзу-мақсадларини амалга ошириш демакдир.

Мен ҳаёт сабоғидан ибрат олиб, табаррук ёшларга етган, қолаверса, профессор даражасидаги инсон сифатида бир-икки та мулоҳазаларни билдирмоқчи эдим.

"Китоб олами" мажмуаси қандай бўлиши керак? Бизнинг тушунчамиз бўйича китоб дўкони 2 қаватдан иборат бўлиб, 1-қаватда ўқувчилар учун ёзув, чизув предметлари, блокнотлар, плакатлар, кўргазма кўроллар, портретлар, чизмачилик учун керак бўладиган қуроллар, Ўзбекистон ва дунё хариталари, дафтар ва фломастерлар, папкалар, файллар ва бошқалар. 2-қаватда баддий китоблар, рус адабиёти, ўзбек адабиёти ва энг қадимий адабиётлар, таржима асарлар, жаҳон адабиёти, лугатлар ва барча учун керакли бўлган ҳамма-ҳамма адабиётларнинг сотилишини амалга оширсалар, китоб харид қилувчиларга жуда қулай бўлар эди. Юқорида зикр этилган маҳаллалар аҳолисининг китобга бўлган муносабатлари эса жуда юқори, яъни улар китоб — бу дунё, яхшиликка чорловчидир, деган эзгу фикрнинг билдирмоқдалар. Демак, китоб ўқишга қизиқиш ортар экан, халқимиз истагини эътиборга олиб, ҳокимият мутасаддилари китоб мажмуасини тезроқ барпо этилишига ҳаракат қиладилар деб умид қиламиз. Бу албатта Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорининг амалда тезроқ тадбиқ этилишига ҳисса бўлиб қўшилиди. Мақсадимиз аҳоли қанчалик китобга ошурфта, чуқур билимли бўлса, юртимиз тинчлиги, осойишталиги йилдан йилга ортаверади. Китоб дўкони қаерда қурилши керак? Бизнинг ҳудудимизда 2 та автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси жойлашган. Иккаласи ҳам бир-бирига жуда яқин қурилган. Бу ёнғин хавфсизлигига таъсир этади, шу сабабли биттасининг ўрнига китоб дўкони қурилса айна мудоаа, аҳолига ҳам жуда қулай бўларди. Лекин бу бизнинг тахминимиз ҳолос, шаҳар ҳокимияти қаерни лозим топиб, бизга китоб дўкони қуриб беришса, халқнинг истагини бажо келтирган бўлар эдилар. Чунки китобга бўлган интилиш ҳаёт мазмунига айланиши керак.

Зеро, китоб — офтоб. У ҳамиша йўлимизни ёритиб туришга хизмат қилади.

**Мирқурбон АБДУЛЛАЕВ,**  
**профессор,**  
**Мирзо Улуғбек тумани**  
**"Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғини**  
**раиси маслаҳатчиси**

моддий ёрдам кўрсатилди.

— Бу каби тадбирлар бугун республикамизни қамраб олган ҳолда пойтахтимизнинг Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Учтепа, Миробод, Яққасарой, Юнусобод, Сергели, Олмазор каби туманларида ҳам ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши бўлим мудирини Равшан Махаммадалиев. — Пойтахтимиз туманларида ўтказилган мазкур тадбирлар доирасида 1000 нафарга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон оила аъзосини парваришлайётган, боқувчисини йўқотган оилалар замонавий маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, 110 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг уй-жойини таъмирлаш, 70 нафарга яқин беморга соғлигини тиклаши учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбирга ташриф буюрган шайхонтоҳурлик кам таъминланган оила вакиллари Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун эканликларини, бундан уларнинг турмуш фаровонликлари ошаётганини эътироф этдилар.

Тадбир халқимиз ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари ва куй-қўшиқлар билан иштирокчиларда катта тасаррут қолдирди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

**Яққасарой тумани ҳокимининг**  
**ҚАРОРИ**

### ЯҚҚАСАРОЙ ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ҲАМЛАКАРИНИ 2018 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 й., 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2008 й., 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон 333-модда, 2010 й., 13-сон 96-модда, 2011 й., 1-2-сон 4-модда, 2012 й., 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2018 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2017 й. сентябрдаги баёнини инобатга олиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яққасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 115 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1194 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

— ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшга бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазибаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари; таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

— муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

— ногиронлар учун — меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жараёнларини тўқатишга бажариш имконини (соғлигининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

— бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қилувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун — махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

— жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

— одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Яққасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2018 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

— ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунлашишдан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ақратилиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

— иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шaroитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солинад.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан орттича ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликларини инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш маркази (Ш.Абдуллаева):

— ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорини тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яққасарой туман ҳокимининг ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

**Яққасарой туман ҳокими**  
**С.Махаметов**

2017 йил 17 ноябр

**Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

**"Версаль" тантаналар саройида Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи 111 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар учун Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва туман ҳокимлиги томонидан уй-рўзгор учун зарур бўлган маиший техника воситалари топширилди.**

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эҳтиёжманд инсонларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳамда маиший шaroитларини яхшилаш имконини бермоқда.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий ва маъ-

навий қўллаб-қувватлаш, жамиятда меҳроқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижа-сида бугунги кунга қадар республика бўйича 22 минг. 155 та оила кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. Кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи 851 нафар беморлар соғлигини тиклаши учун 2 млрд. 191 млн. сўмдан зиёд, 1307 та оилага уй-жойини таъмирлаш учун 8 млрд. 557 млн. сўмдан ортиқ

Спорт янгилклари



Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони — "Локомотив" жамоаси айни пайтда Дубайда янги мавсум ҳозирлигини давом эттирмоқда.

"ЛОКОМОТИВ" КЛУБИДАГИ ЯНГИ ЎЙИНЧИЛАР

"Темирўлчилар" сафида бир қатор янги футболчилар хориз йиғинида иштирок этишмоқда. Жумладан, россиялик 25 ёшли ҳужумчи Дмитрий Барков ҳамда 24 ёшли корейлик ҳужумчи Чо Сок Жаэ ҳозирда "Локомотив" машғулотида қатнашишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Дмитрий Барков илгари "Тосно" (Россия), "Нарва Транс" (Эстония), "Истиклол" (Тожикистон) каби жамоалар шарафини ҳимоя қилган. Корейс футболчиси эса "Чонбук Моторс" тарбияланувчиси ҳисобланади ва бунга қадар "Чоннам Драгонс", "Анянж" каби Жанубий Корейнинг номдор клублари сафида фаолият олиб борган.

Ботир ХҲЖАЕВ

МАҲОРАТЛИ ФУТБОЛЧИЛАР ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг етакчи футбол клублари — "Локомотив", "Пахтакор" ҳамда "Бунёдкор" аъзолари жорий йилги мавсумга қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

Жумладан, амалдаги мамлакат чемпиони "Локомотив" айни кунларда БААнинг Дубай шаҳрида ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишмоқда. 23 январга қадар давом этаётган машғулот йиғинлари кунига икки маҳалдан уюштирилмоқда. Машғулот йиғинлари доирасида Туркия, Шотландия ҳамда Россия клубларига қарши "Локомотив" ўртоқлик ўйинларида омадини синаб кўри-

ши режалаштирилган. Туркияда ўқув-машғулот йиғини ўтказётган "Пахтакор" мураббийлар штаби жамоани иқтидорли футболчилар ҳисобига кучайтиришга аҳд қилишган. Чунки, ўтган йили Хитой чемпионатида омадини синаб кўрган маҳоратли футболчи, миллий терма жамоамиз аъзоси Егорь Кримец "Пахтакор" машғулотларида қатнашмоқда. Айрим манбаларда

ёзилишича, "Пахтакор" мураббийлари "Насаф" ҳужумчиси Бобур Абдуҳалиқовга жиддий қизиқиш билдиришмоқда. Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" эса Тошкентда ўқув-машғулот йиғини ўтказмоқда. "Қалдирғонлар" мураббийлари "Қўқон-1912" аъзоси, сербиялик ҳужумчи Филипп Райвевачи жамоа тарихида кўришни исташмоқда.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

ШУНҚОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

Республика телевидение ва радио коллежида "Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ЎСТК" УК ва Бектемир тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан Республика телевидение ва радио коллежи билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилди.

Ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтириш, уларнинг ҳарбий хизмат ва олий ҳарбий билим юрталарига тайёргарлигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида уюштирилган ҳарбий-спорт мусобақаси пневматик миллиқдан ўқ отиш билан бошланди. 2-шарт "Умумқўшин ҳимоя воситасини кийиш", 3-шарт "Арқонга осилиб чиқиш", 4-шартада ҳарбий таълимга оид савол-жавоблар ўтказилди. Натижалар ҳисоб-китобида кўра ўқувчилардан Исролжон Ҳасанов, Камрон Абдуллаев, Маммуржон Джўрабевлар юқори натижаларга эришиб, му-

собақа ғолиблари бўлдилар.

Ғолиб ва совриндорларга "Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ЎСТК" УК совгалари ва дипломлари топширилди.

Барчанинг тинч, хотиржам ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқдаки, мана шундай масъулиятли бурни сидқидилдан адо этаётган, тарққўчимиз барқарорлигига қамарбаста бўлаётган ўғонларимизни ҳар қанча эъозласак, қўққа кўтарасак арзийди.

Даврон НУРМАТОВ

Қатрала

ТИКЛАНГАН ДҮСТЛИК

Бир танишим билан ўртаимизга "ола мушук" оралаган эди. Орамиздаги тушунмовчилик пашшадек эди-ю, "рақиб"имдаги ғурур уни ўз кўнглига филдек кўрсатарди. Ниҳоят, "фил"дек фикрини энг яқин ошнамга маъқуллаб, менга етказишни илтимос қилибди.

— Яхши гапинг бўлса, тайёрман, марҳамат. Гинакудуратли бўлса, узр! Оғайним сен уйлагандек эмас. Яхши томонингни гапирди. "Тирноқдан кир қидирмайди". Беайб фақат Парвардигордир, — дея менга нисбатан унда меҳр уйғотибди ошнам.

— Нотўғри фикрда эканман! — дебди у оғайнимга.

Оғайним ўша танишим билан узилай деб қолган меҳр ипини қайта боғлаб, узилмас қилиб, энг улуг савобга эга бўлган эди.

ИМИЛЛАБ ОҚҚАН ДАРДИСАР

Ариқни банд қилиб, тагида имиллаб оққан сувдан кўра тегиримонни бузса ҳам, тошқин сув афзал. Ақл, заковат бор экан, инсон тошқин сувни ўз измига юргизиб, юртни обод қилади.

Имиллаб оққан сув дардисар: ундан қандай қилиб фойдаланишни билмай ақл ҳайрон?..

НИМАНИНГ КАСОФАТИ

Инсонга яхшилик қилиб, кўнглини топиш қанчалик мушкул бўлса, аксинча, ёмонлик қилиш шунчалик осон. Яхшилик қилувчи, лозим бўлса, ўз фойдаси ва қимматли вақтидан кечиши, сабрни ўзига байроқ қилиб олиши лозим.

Ёмонлик қилувчи шайтоний вассаса туфайли бировга берган азобидан вақтинча роҳатланади-ю, бу роҳат ўзига тонналаб азоб бўлиб қайтишини билмайди.

Шайтоннинг "Ҳозирги ҳузурингни ўйла", дега-нига лақиллашнинг касофати бу!

ХАТО

У ишда хатога йўл қўйганини қайтса ҳам, танбеҳларга бўш келмай, ўз билганидан қайтмади. Хатосини тан олса, обрўси тушиб кетадигандек.

— Эй нодон, иш бор жойда хато бор. Хато қилганингни ҳам, мардлик қилмаётганингни, уни тан олмайганингни ачинамиз, — дейишди унга.

ҲАЁТНИ ЎРГАНИШ

— Ҳаётни кимдан ўргандинг? — сўрашди бир билимдондан.

— Кўзи оғиздан.

— Қандай қилиб?

— Кўзи оғиз юрадинан йўлини ҳассаси билан текшириб кўради, кейин қадам босади. Мен ҳам қилганим ишларимни аввал ўйлаб кўрдим, кейин мақсад сари интилдим. Шу сабабли ҳаётимда қўқилганим йўқ.

Беш кунлик дунёда шундай яшагин:

Тўғри юр, яхши бўл, ҳалол ошагин.

Кимса дунёга устун бўлмайди.

Ёмон феълинг бўлса, тезда ташлагин.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига "G'alla-Altog" АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 37-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. "Toyota Corolla" русумли давлат рақами 01/474 SAA, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 27 628 000 сўм. 2. "Камаз" русумли давлат рақами 01/403 NCA, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 10 706 000 сўм. 3. "Газ 53А" русумли давлат рақами 01/411 NCA, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 190 000 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 5 февраль кўни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2018 йил 2 февраль кўни соат 18:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, зақалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52. Гувоҳнома № 001805

ТИҚХММИ Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалиги Механизациялаш Мухандислари Институтининг Таърифул Курслари "Таърифул курслари"да қуйидаги йўналишлар бўйича чуқурлаштириб ўқитилади: — аниқ фанлар йўналишлари бўйича: математика, физика; — табиий фанлар йўналишлари бўйича: кимё ва биология; — ижтимоий-гуманитар йўналишлари бўйича: тарих, она тили, адабиёт, инглиз ва рус тиллари. Инглиз тили курслари кенгайтирилган равишда тингловчиларнинг билим даражаларига мос равишда янги гуруҳларда ташкил этилади. Бундан ташқари IELTS курслари ҳам ташкил этилган бўлиб, ўқув машғулотларни юқори даражадаги сертификатларга эга ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Таърифул жараёнида абитуриентлар нафақат юртимиздаги олий таълим муассасаларига, балки халқаро олий таълим муассасаларига ҳам мақсадли тайёрланади. Барча хоҳловчиларни ўқув нурсимизга таклиф қиламиз. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институтининг қошида 2018-2019 ўқув йили абитуриентлари учун "Таърифул курслари" ташкил этилади. Бизнинг манзил: Бодомзор йўли кўчаси, 1А-уй. Телефон рақамларимиз: +99895 194-18-17; +99890 326-69-13; +99897 750-22-27

СОҒЛОМ БОЛА — АҲИЛ ОИЛА МЕВАСИ

Бектемир туманида жойлашган "Миришкор" маҳалласида "Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг меваси" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Бектемир туман ташкилоти томонидан уюштирилган бўлиб, унга эндигона мустақил ҳаёт остига қадам қўётган ёш келин-куёвлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова, "Миришкор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Хошимов, туман ФХДБ бўлими ходими Шохид Кароматуллаева, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Бектемир туман ташкилоти ижрочи директори Дилдора Мавлонова ва бошқалар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро, айнққса, ёш авлод жаннатмакон юртимизда ҳукм сўраётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиши ва ана шундай неъматни асраб-авайлаш ҳозирги таҳликали замонда ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозимлиги, оиланинг муқаддаслиги, турмуш қуришдан олдинги табиий кўрик мажбурий эканлиги ҳамда фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида ота-она, маҳалла-қўй, таълим масканининг тутган ўрни ўта аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Бундай тадбирларни ўтказишимиздан асосий мақсад никоҳдан ўтаётган ёшларимизнинг қалбида муқаддас тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Чунки, ҳозирги пайтда ажримларнинг кўпаяётгани миллитимизга хос бўлмаган ҳуноқ ҳодисадир. Оиланинг муқаддаслиги каби тушунчаларни ёшларимизга доимо уқтириб боришимиз зарур. Ота-оналар, маҳалла-қўй ҳам бу масалада фаол бўлсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мана шундай йиғилишларни тез-тез уюштириб туриш лозим, деб ҳисоблайман. Қолаверса, бугун ташкилотимиз ҳақида ҳам йиғилганларга маълумотлар бериб ўтдик, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Бектемир туман ташкилоти волонтери Махбуба Саитова.

Тадбирда соҳа мутахассислари "Никоҳланувчи шахсларни табиий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомига кўра, барча фуқаролар ФХДБ органларига никоҳга кириш учун ариза бергач, табиий кўриқдан ўтиш учун йўланма олишлари ва белги-ланган тартибда ўз саломатликларини текшириб кўришлари шарт эканлиги ҳақида батафсил тушунчалар беришди.

Шунингдек, тадбирда "Соғлом турмуш тарзи ва оила", "Соғлом авлод асослари", "Эрта никоҳнинг ҳамда яқин қариндошлар орасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Репродуктив саломатлиги ва соғлом оилани шакллантириш", "Оиланинг мустақамлиги ўзаро муносабатларнинг тотувлигидадир", "Тадбиркорлик манфаати қонун ҳимоясида" каби мавзуларга маърузалар йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мутахассислардан атрафлича тушунчалар олдилар.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институтининг томонидан 2011 йилда Сойилов Улугбек Уткирджанович номига берилган В №546171 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТСРҮИ томонидан Авазбаева Наргиза Абдусаломовнага 23.10.2014 йилда берилган реестр рақамли № 0810472 бўлган яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институтининг жамоаси "Транспорт логистикаси" кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдурахим Сойибович Муродовнинг волидан мутарамаси МУКАДДАМ ИСЛОМОВА ВАСИЕВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади. Тошкент шаҳрида 19 январь кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушуши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

Тошкент Оқшоми МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95; факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқиди. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10368 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун маъсуп О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Буюртма Ғ-135

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.30